ISSN:3030-332X
Impact factor: 9,493
International journal of scientific researchers

ГИЁҲВАНДЛИК ВОСИТАЛАРИ БИЛАН ҚОНУНГА ҲИЛОФ РАВИШДА МУОМАЛА ҚИЛИШ ЖИНОЯТЛАРИНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШДА ТИНТУВ ВА БОШҚА ТЕРГОВ ҲАРАКАТЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ

Ш.Ш.Шарипов
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси
магистратураси тингловчиси, подполковник
https://doi.org/10.5281/zenodo.20138642

Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилиш билан боғлиқ жиноятларда тинтув тергов ҳаракати– жиноят иши учун далилий аҳамиятга молик гиёҳвандлик воситалари,психотроп моддалар, прекурсорларни излаш топиш ва олиб қўйишда, шунингдек жиноий йўл билан топилган хоналар бошқа жойлардаги ёки мавжуд маълумотларга кўра яширинган гиёҳвандлик воситлари, психотроп моддалар, прекурсорларни қидириб топишда ифодаланган тергов ҳаракатидир.

Ашёвий далилларни ишга тўғри қўшиб қўйиш тинтувда амал қилинадиган асосий шартлардан биридир.Айрим ҳолларда шахсни кўздан кечиришда унда муайян нарсаларнинг топилиши жиноят иши қўзғатиш учун асос бўлиб хизмат қилади.Гумон қилинувчи (айбланувчи) тинтув қилинар экан, тергочи унинг шахсига, жиноят олами,шериклари билан алоқасига даҳлдор маълумотларни шу жойнингўзида қўлга киритиш имкониятига эга бўлади. Шахсдан олинган гиёҳвандлик воситалари миқдори жиноят ишини малакалашга ҳам таъсир кўрсатиши мумкин.

Тинтувни ўказишда шахснинг даҳлсизлик ҳуқуқи жиддий тарзда чекланиши туфайли тинтув материалларида фактли ва процессуал асослар етарлича мавжуд бўлгандагина ўтказилиши мумкин. Процессуал (тергов ҳаракатлари баённомалари) ва нопроцессуал(тезкор маълумотлар) манбалар тинтув ўтказиш тўғрисидаги қарорга асос вазифасини ўтайдиган фактли маълумотлар манбалари бўла олади. Албатта, бунда гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар мавжудлиги тўғрисидаги маълумотлар иш материаллари билан таққосланади ва агар ушбу материалларга зид бўлмаса ва тасдиқланса, тинтув ўтказиш ҳақида қарор қабул қилишда эътиборга олинади.

Ўзбекистон Республикасида гиёҳвандлик воситалари ва психотропмоддалар муомала қилиш тартиби Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 19 август кунидаги “Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида”ги қонуни билан белгиланади. Ушбу қонунга мувофиқ, гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг қонуний муомалада бўлиши (олиб кириши (олиб чиқиши), транзит тарзида ўтказиш, сақлаш, бериш, реализация қилиш, тақсимлаш, олиш, ташиш, жўнатиш, ишлаб чиқиш, ишлаб чиқариш, тайёрлаш, улардан фойдаланиш ва уларни йўқ қилиш, шунингдек таркибида гиёҳванд моддаси бўлган ўсимликларни етиштириш тартибга солинган. Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан ноқонуний муомала қилиш жамиятимиз хавфсизлигига инсонларнинг соғлиғига хавф туғдиради.

Гиёҳвандлик воситлари ва психотроп моддалар тушунчаси амалдаги Жиноят кодекси махсус қисмининг VIII бўлимида гиёҳвандлик воситалари деб, “Гиёҳвандлик воситалари тўғрисида”ги БМТнинг 1961 йилги Ягона конвенциясининг 1 ва 2-рўйхатларига киритилган табиий ва сунъий тайёрланган ҳар қандай гиёҳвандлик воситалари [2], психотроп моддалар деганда эса, БМТнинг “Психотроп моддалар ҳақида”ги 1971 йилги конвенциясининг 1, 2, 3 ва 4-рўйхатларига киритилган ҳар қандай табиий ва синтетик модда ёхуд ҳар қандай табиий материал ҳисобланиши назарда тутилган [3, 13-б.].

Табиий гиёҳвандлик воситаларига қуйидагилар мансублигини айтиб ўтиш мумкин:

- кўкноридан ишлаб чиқарилган хосилалар – ухлатувчи кўк-нори, кўк- норининг сомони, экстрацялий опий, опий, морфен, кодеин, героин;
- ҳинд наша ўтининг хосилалари коннабис, марихуана, гашиш(наша,план), гашиш ёғи;
- кокаин тупларини ҳосилалари,эпедрин, невретин.

Ярим синтетик ва синтетик гиёҳвандлик моддалар: фенциклидин, псилоцибин, триметилфентанил ва бошқалар. Ўзининг таъсири бўйича бу аналгетиклар галёциноген депрессантлар бўлиб ҳисобланади.

Жиноят қонунчилигида гиёҳвандлик воситлари ва психотроп моддаларнинг номи ва миқдорлари наркотик моддалар устидан назорат қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 27 октябрдаги "Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш, ундан олиб чиқиш ва транзит тарзида ўтказиш тартибини, шунингдек уларнинг муомалада бўлиши юзасидан назоратни такомиллаштириш тўғрисида" 2015 йил 12 ноябрдаги 330-сон қарорига ўзгартиришлар киритиш ҳақида"ги 878-сонли қарори билан тасдиқланганлиги белгиланган. Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат қилмишлар учун жиноий жавобгарлиги амалдаги Жиноят кодекси махсус қисмни VI бўлимида қуйидагича берилган:

- ✓ тақиқланган экинларни етиштириш (ЖКнинг 270-м.);
- ✓ гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни қонунга хилоф равишда эгаллаш (ЖКнинг 271-м.);
- ✓ гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзлаб қонунга хилоф равишда тайёрлаш, олиш, сақлаш ва бошқа ҳаракатлар қилиш,шунингдек уларни қонунга хилоф равишда ўтказиш(ЖКнинг 273-м.);
- ✓ гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни истеъмол қилишгажалб этиш (ЖКнинг 274-м.);
- ✓ гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ишлаб чиқариш ёки улардан фойдаланиш қоидаларини бузиш (ЖКнинг 275-м.);
- ✓ гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзламай қонунга хилоф равишда тайёрлаш, эгаллаш, сақлаш ва бошқа ҳаракатлар (ЖКнинг 276-м).

Гиёҳвандлик воситалари билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятларга қарши кураш мураккаб бўлиб, чунки ушбу жиноятларнинг тури ва қамрови ҳамда латентлик даражаси кун сайин ошиб бормоқда. Бундай жиноятларни тергов қилиш ва тергов жараёнини комплекс ташкиллиштириш долзарб масалага айланмоқда. Шахснинг наркотик моддалар таъсири остида жиноят содир этиганлигининг тинтув тергов жараёнида исботланиши ҳам бундай воситалар билан қоунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятларнинг олдини олишда, аниқлашда муҳимаҳамиятга эга. Жумладан:

Биринчидан, гиёҳвандлик воситлари ёки психотроп моддалар таъсири остида жиноят содир этиган шахслар орқали наркотик моддаларни етиштириш, тайёрлаш, сақлаш, ташиш, ўтказиш билан шуғулланувчи шахслар ҳамда гувоҳларни аниқлаш имконияти юзага келади.

Иккинчидан, гиёҳвандлик воситалари таъсири остида жиноят содир этган шахслар орқали уларнинг истеъмол қилишга жалб этувчи шахсларни, истеъмол қилишга мўлжалланган махсус жойларни аниқлаш мумкин. Бу эса ўз навбатида, умуман гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилиш билан боғлиқ жиноятларнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалгаоширишга кўмаклашади. Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилиш билан боғлиқ жиноятларда тинтувга пухта тайёргарлик, яхши ташкиллаштирилган ва режалаштирилган тинтув одатда терговчига жиноятчини фош этиш ва жиноятни очишга ёрдам берувчи далилларни тақдим этади. Шу боисдан тинтув далилларни топишнинг таъсирчан, самарли процессуал воситаси ҳисобланади.

Гиёҳвандлик воситалари билан боғлиқ жиноятларда тинтув тергов ҳаракатини ўтказиш орқали биз жиноятчининг шахсининг шахсиятини ва унинг жиноий хулқ-атвори ҳақида бирлдамчи маълумотга эга бўлишимиз мумкин. Бунда, одатда, гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилиш билан боғлиқ жиноятни содир этган шахсларни икки гуруҳга ажратиш мумкин:

1. Гиёҳвандлик воситлари ва психотроп моддаларни ўзи ҳам истеъмол қилувчи шахслар.

2. Гиёҳвандлик воситлари ва психотроп моддаларни ўзи истеъмол қилмайдиган шахслар.

Биринчи гуруҳга кирувчи шахслар (яъни гиёҳвандлар)нинг шахсий хусусиятларининг мазмуни ва уларнинг ўзгариш суръати, аввалambор, гиёҳванд модданинг тури, наркотизациясининг давомийлиги ва тез-тез қабул қилиши билан боғлиқдир. Гиёҳвандлик воситаларини истеъмол қилувчи шахслар ижтимоий фойдали меҳнатдан узоқлашиб дангаса, ишёқмас, ҳаёлпараст ва ҳаётга бефарқ бўлиб қоладилар. Маънавий ва жисмоний баркамоллигини йўқотган бундай шахсларнинг гиёҳвандлик воситаларини топиш учун ҳар қандай оғир ва ўта оғир жиноятлар содир этишдан қайтмайдилар. Шунинг учун ҳам улар атрофдагилар учун, айниқса, ўзи билан бирга истиқомат қилувчи шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига катта хавф туғдиради.

Иккинчи гуруҳга кирувчи шахслар, асосан, ўзлари истеъмол қилмагани ҳолда, ўзига шахсий фойда орттириш, маблағ тўплаш мақсадида гиёҳвандлик воситлари ва психотроп моддаларни ўтказиш ва сотиш ишлари билан шуғулланади.

Тинтув тергов ҳаракати натижасида аниқланган шахснинг ёнидаги, уйи ва хўжалик биноларидаги гиёҳвандлик моддалари миқдори жиҳатдан кўплиги асосан шахснинг сақлаётган, етиштираётган гиёҳвандлик моддасиниўзининг истеъмоли учунлиги фактини рад этади.

Тинтув тергов ҳаракати натижасида аниқланган моддаларни қонунга хилоф равишда муомала қилиш жиноятлари қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

- гиёҳвандлик моддаларни экиб (ўстириб), ишлаб чиқариш;
- гиёҳвандлик моддаларини автомашинада ёки бирон бир техникада фойдаланиб олиб ўтиш, сақлаш, сотиш;
- гиёҳвандлик моддаларини истеъмол қилиш.

Биринчи гуруҳга: Ўсимлик маҳсулоти уларни ўстириш ва сақлаш жойидаги қолдиқлари далолат бера олади (ўсимликларнинг гуллари, чўплари, чанги ва ҳоказо), технологик жараённинг ҳар хил босқичларидафойдаланадиган ҳар хил предметлар ва ускуналар, ҳар қандай технологик материаллар ва чиқиндилар, тайёр наркотик моддалар, гиёҳвандлик моддаларига эга бўлган ўсимликларни олиб ўтиш учун мўлжалланган асбоблар ва ускуналар, рецептуралар: махсус адабиётлар, хомаки ёзувлар, гиёҳванд моддани ташувчи ва сотувчиларнинг истиқомат қилиш манзиллари ва телефонлари ва ҳоказо.

Иккинчи гуруҳ излари – бу қоғозли ва ўзга турдаги ўраш воситалари, махсус контейнерлар, транспорт воситаларидаги хуфия жойлар, олиб юрувчи ва сотувчиларнинг кийимида, ушлаб турилганни кийим чўнтакларида, кийим эгилиш жойлари ва чотларида бўлган жойларда гиёҳвандлик моддаларининг микрообъектлари, олиб юрувчининг танасидабўлган ва ҳоказо.

Учинчи гуруҳга инъекция қилиш излари, гиёҳванд моддаларини истеъмол қилувчининг ҳаёт тарзини ва ҳатти ҳаракатларини тубдан ўзгарганлигини киртишимиз мумкин.

Гиёҳванд воситалари ва психотроп моддалар билан қонунга қилоф равишда муомала қилишдан иборат бўлган жиноятларнинг Ўзбекистонда қуйидаги вариантлари мавжуддир:

- ✓ контрабанда йўли билан хориждан Ўзбекистонга наркотикларни келтирилиши ва уларни Ўзбекситонда сотилиши;
- ✓ гиёҳванд ва психотроп моддаларни Ўзбекистонда ишлаб чиқарилиши ва ғайриқонуний йўл билан сотилиши;
- ✓ Ўзбекистонда гиёҳванд ва психотроп моддаларни қайта ишланиши ва Европа, Америка, МДҲ мамлакатларига олиб кетилиши;
- ✓ транзит йўл билан Ўзбекистондан гиёҳванд ва психотроп моддаларни олиб ўтилиши.

Наркобизнес билан биринчи, учинчи ва тўртинчи вариантлар бўйича курашда тегишли мамлакатларнинг ҳуқуни муҳофаза қилиш ва божхона органлари билан ҳамкорлик қилиши, бу ҳамкорликни махфий махфий бўлишини таъминлаш, гиёҳванд моддаларнинг айланув занжирини бошидан охиригача аниқланишини ва шунга асосан ишлаб чиқарган, уларни юборган, олиб борган, қабул қилган ва сотувчи шахсларни аниқлаш, аниқланган шахсларнинг ушбу жиноятни ҳақиқатан ҳам содир этганлиги фактини тасдиқлашда шахснинг ёнидан, уйидан ва бошқа хўжалик биноларидан топилган наркотик воситалар ва психотроп моддалар ашёвий далил сифатидажиноят ишида ҳал қилувчи аҳамият касб этишини инобатга олиб тинтувтергов ҳаракатини ўтказиш талаб этилади.

Демак, гиѐҳвандлик воситалари билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятларда тинтув тергов ҳаракатини аҳамиятиқуйидагилар билан белгиланади:

- жиноят иши учун далилий аҳамиятга молик гиѐҳвандлик воситлари, психотроп моддалар ва прекурсорларни излаб топиш ва олиб қўйишда;
- жиноят иши бўйича ҳақиқатни аниқлаш, ушбу жиноятни содир этишда айбланаѐтган шахснинг айблилик масаласини ҳал қилишда далил бўлиб ҳисобланиши;
- жиноятни содир этган шахснинг шахсияти, жиноий ҳаракатлари ҳақидаги фактик маълумотни бериши;
- излаш натижасида топилган муомалада бўлиши чекланган, тақиқланган нарсаларнинг олиб қўйилиши натижасида, янги жиноятлар содир этилиши олди олиниши;
- давлатнинг гиѐҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларини ноқонуний айланишига қарши кураш сиѐсатини реал ижросини таъминлашгахизмат қилади.

Юқоридаги фикр ва мулоҳазаларни инобатга олиб, қуйидагиларни таклиф ва тавсия сифатида таъкидлаб ўтиш мумкин:***биринчидан***, бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 27 октябрдаги "Гиѐҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш, ундан олиб чиқиш ва транзит тарзида ўтказиш тартибини, шунингдек уларнинг муомалада бўлиши юзасидан назоратни такомиллаштириш тўғрисида" 2015 йил 12 ноябрдаги 330-сон қарорига ўзгартиришлар киритиш ҳақида"ги 878-сонли қарорини янги таҳрирда қабул қилиш керак. Чунки кучли таъсир этувчи дориларни ҳамда психотроп моддаларни янги турлари бўйича аниқ бир меъѐрларни белгилаш мақсадга мувофиқ.

иккинчидан, мамлакатимизда бошқа давлатлардан турли йўллар билан кириб келаѐтган гиѐҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар ноқонуний айланмалари устидан назоратни кучайтириш керак.

учинчидан, мактаблар, лицейлар, коллежлар, олий таълим муассасаларида гиѐҳвандлик воситалари, психотроп моддалари ва уларнинг аналогларини ноқонуний реализацияси қарши профилактик чора- тадбирларни кучайтириш мақсадида, фақат психолог инспекторлари ва профилактика инспекторларидан ташқари тезкор вакилларни ҳам жалб қилиш ижобий натижа беради.

Иқтибослар/Сноски/References

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999. – № 9. – 210-м.
2. ООН "Единая конвенция о наркотических средствах" https://lex.uz/docs/2673450.
3. *Қутлимуратов И.М.* Янги психофаол наркотик моддалар тарқалишига қарши курашишнинг долзарб масалалари. – Т. ИИВ Академияси ахборотномаси №4. 2018 йил.Б. 13.
4. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 29.10.2018 й., 09/18/878/2120-сон.
5. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 й.
6. сон.https://lex.uz.